УзССР Давлат китоб палатаси

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1994 йил, 17 май, сешанба № 63 (379) ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 17 мая 1994 г. № 63 (379) ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

БАРЧА КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗ СЕНГА—ОНА-ВАТАН!



Кичик сержант Мерзот Худойқулов командирлик қилаётган бўлима шахсий таркиби ҳам баҳорги синов машғулотларида юксак жанговар тайёргарлик маҳоратларини намоён этмоқдалар. Пухта назарий билимларини амалий кўникма билан мустаҳкамлаб келаётган бўлима сержанту оддий аскарлари фақат аъло ва яхши кўрсаткичларга эришишни мақсад қилишган.

А. МАНТРОВ суратга олган.

ВАТАНИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Оддий аскар Мансуржон Мирзааҳмедов офицер ва кичик командирлар, сафдошлари олқишига сазовор бўлиб келаётган намунали Ватан посбонларидан биридир. Ширинсухан ва ғайратли бу йигит билан бир кунда хизматимизни бошлаганмиз. У ҳар бир ишни доимо сифатли бажариб, командирларимиз ҳурматини қозониб келмоқда. У ҳатто ўта чарчаган пайти ҳам ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёр. Ҳеч қачон баҳона изламайди.

— Мустақил Республикамиз истиқлолини ҳимоя қилиш ниятида армия сафида хизмат қилар эканман, — дейди Мансуржон, — аввало Қасамёдимга содиқ бўлиб, Низом қонун-қоидаларига қатъий амал қилмоғим лозим. Мен ҳам, барча сафдошларим ҳам Ватанимиз тинч-фаровонлиги йўлида ўз бурчларимизни сидқидилдан ўтамоқдамиз. Ҳаммамиз аҳил-иноқлик билан ҳарб илмини мукаммал эгаллаяпмиз.

Бизнинг хизматда муваф. фақиятларга эришишимизда сержант ва офицерларимизнинг, тажрибали сафдошларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Биз она-юртимизни ҳимоя қилишда ота-боболаримиз жасоратига ҳар доим содиқ бўламиз. Олдинги синов машғулотларида бўлгани каби бу гал ҳам барча тайёргарликлар бўйича юқори кўрсаткичларга эришамиз.

И. ТУЛАГАНОВ.
взвод бўлинмаси командири, кичик сержант.

АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИБ

Ҳарбий хизмат мактабида таҳсил олиб, кўп нарсани ўргандим. Жумладан, автомобиль техникасини бошқариш, созлаш ва таъмирлаш бўйича катта малакага эга бўлдим. Менинг бундай кўрсаткичга эришишимда, албатта техник тайёргарлик машғулотлари катта фойда берди.

Ҳозир бир йил хизмат қилган бўлсам, ўтган давр мобайнида бирор маротаба ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузганим йўқ. Техникани бошқаришда бу муҳим омилдир. Ҳар гал йўлга чиқишдан олдин ўзимга бириктирилган «Зил-131» маркали автомобиль техник ҳолатини кўздан кечираман. Бирор нуқсон сезсам, ўша заҳоти уни бартараф этаман. Чунки техникани носоз бошқариш — кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келади.

Она-Ватанимга сидқидилдан хизмат қилиб, ўқув машғулотларининг баҳорги синовларида яхши натижалар қозонишга ҳаракат қиляпман.

Т. УРАИМЖОНОВ.
ҳайдовчи, оддий аскар.

● ВЕСТИ С КОНТРОЛЬНЫХ ЗАНЯТИЙ

СЕРЖАНТЫ ПОДАЮТ ПРИМЕР

Группы общественно-политической подготовки младших командиров, которыми руководят старшие лейтенанты Ш. Халмуратов и Ш. Магдиев, на итоговом семинаре за зимний период обучения получили высокие оценки.

Более половины сержантов в группе старшего лейтенанта Ш. Халмуратова продемонстрировали твердое знание истории республики, понимание принципов и особенностей развития Узбекистана на современном этапе, заслуженно получив отличные оценки. Только нескольких баллов не хватило группе, чтобы получить отличную оценку за период обучения.

В группе старшего лейтенанта Ш. Магдиева особо хочется выделить старшего сержанта А. Ужегова. Передовой младший командир подробно рассказал о методах работы по укреплению воинской дисциплины в подразделении, о роли общевоинских уставов в поддержании атмосферы дружбы и товарищества в воинском коллективе. Сослуживцы Ужегова поддержали его почин и также удостоились высоких оценок.

Майор В. КАЛОШИН.

● БАҲОРГИ СИНОВЛАР АВЖИДА

ҚЎРСАТКИЧЛАР ЮҚОРИ БЎЛАДИ

Офицер В. Макаров командирлик қилиб келаётган бўлима шахсий таркиби, орасида ўз хизмат мажбуриятларини аъло бажариб, командирлари ва сафдошлари ҳурматини қозониб келаётган солдат ва сержантлар кўплаб топилади. Оддий аскар Шамсуддин Акбаров ҳам шулар жумласидан бўлиб, у ҳақда рота командири лейтенант У. Ҳамроқулов ўз фикрини билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— Шамсуддин хизматга келган дастлабки кунларданоқ ўзини итоаткор, интизомли, меҳнатсевар ва ҳар бир ишнинг уддасидан чиқадиган солдат сифатида кўрсата билди.

Вақт ўтиши билан эса, аста-секин муваффақиятларга эриша борди. Жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашди. Ўз касби сирларини мукаммал эгаллаб, етук мутахассис бўлиб етишиш йўлида куч-қувватини аямади. Ҳозирги кунда унга тажрибали мутахассис сифатида ҳар қандай вазифани ишониб топшириш мумкин. Бунга у ўз тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан эришди.

Ҳа, рота командири ҳақ. Кимки муваффақиятга эришиш йўлида матонат кўрсатиб иш олиб борар экан, унга албатта омад кулиб боқади.

Оддий аскар Шамсуддин Акбаров билан суҳбатлашиб, унинг Фахрий ёрлиққа тавсия қилинганлигидан хабар топдим. Умуман олганда, ўлима шахсий таркиби шарт-шароитдан хурсанд. Солдатлар командирлар томонидан берилаётган топшириқларни аъло даражада бажаришмоқда.

Рота командири қаҳқадарёлик солдат Шамсуддин Акбаровнинг ютуқлари тўғрисида гапирар экан, бир мақсад йўлида аҳил оила фарзандларидек хизмат қилиб келаётган У. Ёқубов, Ф. Ҳамроқулов, Ж. Нўнисбоев, Р. Турсунов, А. Қиличев, Э. Носиров, С. Гричишкин каби сержант ва солдатлар номларини ҳам фахр билан тилга олди.

— Бўлинмамиз шахсий таркиби, қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, баҳорги синовларда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Сержант ва солдатларимизнинг ҳозирги сатҳ-ҳаракатларига асосланиб айтмоқчиманки бу галги кўрсаткичларимиз ҳам юқори бўлади, — деди лейтенант.

Лейтенант А. АБДУРАҲМОНОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

ПОДТВЕРДИЛИ МАСТЕРСТВО

В течение зимнего периода обучения на всех занятиях высокие результаты в подразделении, где служит старший сержант Э. Богманов, показывали сержант Б. Жунусов, младший сержант А. Миллер рядовые Н. Шинтарев и П. Харитонов.

Не растерялись солдаты и сержанты и в ходе контрольных занятий на полигоне и стрельбище. Сержант Б. Жунусов и рядовой Н. Шинтарев умело действовали в ходе тактических занятий.

Капитан Б. ДЖУРАЕВ.

СПОКОЙНО И УВЕРЕННО

действовали в ходе контрольных занятий по специальной подготовке подчиненные старшего лейтенанта Ю. Трубицкова.

Бесспорно, лучше всех выполнял учебно-боевые задачи начальник радиостанции младший сержант Атабек Рашидов. Опытный специалист, он, где добрым словом, где шуткой помогал тем, кто впервые сдавал экзамен на воинскую зрелость, поддерживал настрой подчиненных только на самый высокий результат.

Рядовой Ниматулла Кулмурзаев незадолго до проверки вернулся из отпуска, которым он был поощрен за отличное несение боевого дежурства. Свое мастерство он подтвердил и в ходе контрольных занятий, полностью уложившись в требования нормативов.

Подводя итоги занятия, проверяющий отметил также добросовестное отношение к освоению своей специальности рядового Лутфуллы Холова и многих других солдат и сержантов подразделения, успешно справившихся со всеми поставленными задачами.

Д. БАХТИЕРОВ.

УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Низом қонун-қоидаларига оғишмай итоат қилиш — ҳарбий хизматнинг қатъий талаби эканлигини яхши биларкан, созлаш ва таъмирлаш бўйича катта малакага эга бўлдим. Менинг бундай кўрсаткичга эришишимда, албатта техник тайёргарлик машғулотлари катта фойда берди.

Биринчи навбатда шунга эришишга муваффақ бўлдимки, солдатлар Низом қонун-қоидаларини пухта ўзлаштирдилар. Бўлинмамдаги бирорта солдат Низомга хилоф иш тутмайди, уст-бошни, юриш-туришига катта эътибор билан қарайди.

Бир куни кечки кўкловда оддий аскар Фарқод Собиров этикларини тозаламай, сафга турди. Мен уни сафдан чиқариб, ўзини тартибга келтиришни буюрдим. Бу Фарҳодга катта сабоқ бўлган экан. У шу-шу бундай камчиликка йўл қўймайди.

Бундан ташқари, итоатимдагиларга ҳарб илмини шунчалик ўргатишга аҳд қилганман: яъни солдат ҳар қандай вазиятда, барча машғулотларда буйруқ ва топшириқларни аниқ, ўз вақтида бажариши шарт! Мен бунга ҳар бир аскардан талаб қиламан. Камчилик сезсам бартараф этаман.

Мен етакчилик қилаётган бўлинмага назар ташласангиз, бунда бир пасда пайқайсиз. Таълим-тарбия юксак. Сафга туриш, юриш тайёргарлигидан ҳам кўринади-ки, солдатлар жуда ижрочан. Уларнинг шахдам қадам ташлаб юриши, барча буйруқларни чиройли бажаришидан дилимга қувонади.

Ишончим комилки, жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликларда юксак натижаларга эришаётган бўлинмамиз шахсий таркиби қишки ўқув мавсуми синов машғулотларини улкан ютуқлар билан якунлайдилар.

А. ДАВРОНОВ.
взвод бўлинмаси командири, кичик сержант.

ЭСТАФЕТА В НАДЕЖНЫХ РУКАХ

В ходе контрольных занятий многие воины подразделения, где служит лейтенант Д. Садридинов, показали себя достойными продолжателями славных боевых традиций. Так, при выполнении контрольных стрельб наводчик-оператор рядовой Бахриддин Атажулов поразил все цели и заслужил отличную оценку.

Командиры отделений сержанты Алимжан Ахмедов и Акбарали Абдуразаков не только показали отменную личную подготовку; но и то, что в течение зимнего периода обучения они сумели обучить подчиненных ратной науке.

Прапорщик В. КАНОШЕНКО.

● МАҲОРАТ МАКТАБИ

ИХЛОС—ХОЛИС

Мақоламиз номланган бу нақлнинг нақадар тўғриб айтилганлигини Абдумажид Халилов ўз ҳаётий тажрибасида синаб кўрди, десак, хато қилмаймиз. Ҳозирда она-Ватанига виждонан хизмат қилаётган бу йигитдан: «Шу бўлинмадалигингдан, айнан ўзинг машғул бўлаётган мутахассисликдан кўнглинг тўлаяпти-ми?» — деб сўрасангиз, у ҳеч иккиланмай, ички бир тўлқинланиш билан «албатта» дейди. Бунга эса унинг тўла асосли бор.

Негаки, Абдумажид Халилов ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ радиотехникага катта ҳавас қўйди. Билимларини яна-да чуқурлаштириш учун «Ёш техниклар» тўгарагининг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Мактабда бу соҳада олган сабоқларини мукаммаллаштириш мақсадида уйида ҳам бузилган, эски, гоҳида эса соз радио, магнитофон, телевизор ва бошқа аппаратураларни тузатиш, қисмларга ажратиб, яна йиғиш билан шуғулланди.

— Менга ёшлигимдан 1941—1945 йиллар уруши даридаги алоқачи жангчиларнинг ўта оғир шароитда, кўпроқ, махфий ҳаракат ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса-да, жасорату мардлигини, Ватанга садоқатини акс эттирувчи кинофильмлар кўпроқ ёқарди, — дейди радиотелефонистлик касбини ардоқлаб келаётган сержант А. Халилов, — Шу боис, армияда бу касбни мукаммал ўрганишни дилдан орзу қилардим. Ихлос—холис, деганлари ҳақиқат экан...

Ҳа, Абдумажид ҳозирда — алоқачи. Алоқачи бўлганда ҳам — моҳир алоқачи. А. Халилов ўзи бажараётган вазифанинг нечоғли масъулиятли эканлигини яхши билган ҳолда касб маҳоратини тинмай ошириб бормоқда. Радиотехникага алоқадор қўлланмаларни мунтазам мутолаа қилади, билмаганларини офицерлардан ва сафдош кичик командирлардан сўраб ўрганади.

Табиийки, командир ишбилармон, сергайрат ва тиришқоқ бўлса, шахсий таркиб ҳам шунга амал қилади, йўлбошчисига ўхшагиси келади. У хизмат қилаётган бўлинмада Султонов, Эрмаматов, Омонов каби кўплаб оддий аскарларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник ва бошқа тайёргарликлар бўйича юксак натижаларни қўлга киритиб келаётганлиги бунинг далилидир.

Дарвоқе, бу жамоанинг ҳар бир аъзоси спортнинг соғлик гарови, ҳарбий хизматдаги муваффақиятлар омили эканлигини ҳам дилдан ҳис қилади. Уларнинг ихтиёрий машғулотлар билан қўнгилдагидек шуғулланишлари учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ҳоҳловчилар тош кўтаришади, қўл жанги, якка кураш ёки спортнинг бошқа турлари билан машғул бўлишади. Тез-тез спорт мусобақалари ўтказилиб турилади.

Яхши дам—меҳнатга ҳамдам, деганларидек, шахсий таркибнинг ҳарб илми сирларини мукаммал эгаллаб олишида, жумладан, ўқув машғулотлари баҳорги синовларида аъло ва яхши баҳолар олишга мушаррaф бўлишида бўлинмада маданий ҳордиқ чиқаришнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

— Бўлинмамиз шахсий таркиби шу кунларда қишки мавсум ўқув машғулотларида яна пешқадамликни йўлдан бермай, дарғалик нашидасини суриш мустақил Узбекистонимизга, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш,

Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

● ПИСЬМО В РЕДАКЦИЮ

ЭТО БОЛЬШОЕ И ВАЖНОЕ ДЕЛО

С воодушевлением и радостью восприняли мы, ветераны войны и труда, Указ Президента Узбекистана И. А. Каримова о награждении в честь 49-й годовщины Дня Победы участников войны и трудового фронта медалями «Жасорат» и «Шухрат». Это очень большое и важное дело и не только потому, что подвиги ветеранов будут отмечены государственными наградами, но и потому, что это, к тому же, и большая материальная поддержка ветеранов. О ней хочется сказать особо, потому что такой огромной материальной поддержки ветеранов нет ни в одной из стран СНГ. Хотелось бы, чтобы наши средства массовой информации не забывали об этом, а наоборот, чаще подчеркивали значение указа Президента. Дважды слышал информацию об этом указе по «Маяку» и по телеканалу «Останкино», но там о материальной стороне указа не было сказано ни слова. Указ нашего Президента — это забота о ветеранах не на словах, а на деле.

Х. ШАРИПОВ,
ветеран войны.

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

1 ВЕСТИ С КОНТРОЛЬНЫХ ЗАНЯТИЙ
2 ПРАПОРЩИКЛАР — ЖАНГОВАР САФДА
3 ПРИЗЫВ-94
4 ҚАЛАМ ҲАҚИГА — ПОЛКОВНИКНИНГ СОАТИ

ПРЕЗИДЕНТ ЯПОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди.

Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Япониянинг жаҳон ҳамжамиятида тутган юксак ўрни, тараққиёт йўлидаги истиқболли одимлари, ушбу олис кунчиқар юрт билан мамлакатимиз ўртасида боғланган дўстлик ришталарининг узоқ тарихи хусусида сўзлади. Иккинчи жаҳон уруши келтирган хонавайронлик, табиий бойликлар тақчиллиги, ҳом ашё танқислиги сингари бир қанча тўсиқларга қарамай, ҳайратланарли даражада иқтисодий қудратга эришган мамлакат билан яқин ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш, унинг юксак технологияси ва сармоясидан ўзаро манфаатли асосда унумли фойдаланиш иқтисодий мустақиллик ва фаровонлик сари бораётган республикамиз учун фойдадан холи эмаслигини таъкидлади.

— Қолаверса, ўз миллий валютасига ўтиш арафасида турган мамлакатимиз ички бозорини тўлдириш учун зарур рақобатбоп маҳсулотлар ватани ҳам Японияди, — деди юртбошимиз пировардида. — Сафардан асосий мақсадимиз Ўзбекистоннинг кенг имкониятларини японларга тушунтириш, банк, сармоя эгалари, ишбилармонлар, йирик фирма ва компаниялар учун юртимизга йўл очиб бериш ва шу орқали икки ўртадаги иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришдан иборат.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Хайрулла Жўраев, Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Борис Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Японияннг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Кодзи Хино ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯГА КЕЛДИ

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг биринчи расмий амалий ташрифи билан Японияга келди. Токионинг Ўзбекистон Республикаси ва Японияннг Давлат байроқлари билан безатилган «Ханеда» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросими тугагандан сўнг Ислом Каримов рафиқаси билан ўзлари учун ажратилган боргоҳга йўл олди.

19 майгача давом этадиган ташриф мобайнида Ислом Каримов Японияннг Бош вазири Цутому Хата билан музокаралар олиб боради, Император Акихито томонидан қабул қилинади, ишбилармон доираларнинг вакиллари билан учрашади. Тошкент ва Токио ўртасида биринчи навбатда иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига пойдевор қўйиш лозим бўлган сафар якунлари бўйича биргаликдаги ҳужжатлар имзоланади. Ислом Каримовнинг ташрифи Японияннг қадимий пойтахти Киото шаҳрида якунланади. Бу шаҳар ўтмиш ва келажак ўзаро алоқадорлигининг рамзи бўлиб колади. Чунки Европадан Марказий Осиё орқали ўтиб Узоқ Шарққача борган Буюк ипак йўлининг сўнгги манзили мана шу шаҳар бўлган.

(ЎзА).

К ДНЯМ КАЗАХСТАНА В УЗБЕКИСТАНЕ

В Кабинете Министров Республики Узбекистан состоялось заседание организационного комитета по подготовке к проведению Дней Республики Казахстан в нашей стране. Заседание вел первый заместитель Премьер-министра, председатель оргкомитета И. Джурабеков.

Как уже сообщалось, 23 мая в Ташкенте состоится торжественное открытие Дней Казахстана. Для участия в них из братского государства прибудет около 600 гостей, в том числе государственные и общественные деятели, писатели и артисты, ученые и бизнесмены. Торжества пройдут по всем регионам нашей республики, состоятся интересные встречи, концерты, будут организованы различные выставки.

На заседании оргкомитета заместитель Премьер-министра республики М. Карабаев проинформировал о ходе подготовки к празднику дружбы. Об этом говорили также заместитель хокима города Ташкента Ш. Жалилов, министр по делам культуры Э. Хайитбаев, председатель национальной компании «Узбектуризм» Б. Каюмов, председатель «Тошшаҳарйўловчитранса» Р. Файзуллаев, заместители хокимов ряда областей.

В работе оргкомитета приняли участие исполняющий обязанности Председателя Верховного Совета республики Э. Халилов, государственный советник Президента, Х. Джураев заместители Премьер-министра республики У. Султанов, М. Усманов, хоким города Ташкента А. Фазылбеков.

(УзА).

ПРАПОРШЧИКЛАР—ЖАНГОВАР САФДА

● УЛАРДАН УРНАК ОЛИШАДИ

Маълумки, касбнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қандай мутахассисликни қалб амри билан танлаб, уни эъзозлаган киши албатта камол топади. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиб келаётган офицеру прапоршчиклар ва муддатдан ташқари хизматдаги она-Ватан посбонларининг қарийб барчаси ана шундай инсонлардир.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган катта прапоршчик Рўзмат Машарипов ҳам ҳаётини ҳарбий касб билан боғлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўрди. Қалбида шу касбга кучли меҳр борлигига қатъий ишонч ҳосил қилгачгина бу соҳани танлади. У янглишмаган экан, ҳанузгача мазкур мутахассисликка кўнгил берганлигидан заррача бўлса-да афсуслангани йўқ.

СЕВГАН КАСБИН ЭЪЗОЗЛАБ

— Ўрта мактабни тугатиб, муддатли хизматда солдатлик бурчимни ўтар эканман, ҳарбий бўлиш иштиёқим кун сайин ортиб бораверди, — дейди Р. Машарипов. — Бироқ баъзан ҳарбий хизмат қийинчиликларига дош беролмай, кейинчалик айниб қолдирмасмиканман, деб ўйлаб қолардим.

Икки йилдик хизматим мобайнида ўзимни обдон тобладим. Низом қонун-қоидаларини қайта-қайта мутолаа қилиб, уларни деярли ёд олдим. Жанговар техника ва қурол-яроғлардан қандай фойдаланишни, улар сир-асрорларини пухта ўргандим. Билмаганларимни ҳеч тортинмай командирларимдан сўраб билиб олдим.

Бир куни ротамиз командири: «Машарипов, сенинг ҳарбий ишга муносабатинг, иштиёқинг сафдошларингдан ўзгача, армияда қолиб хизматингни давом эттиришни бир ўйлаб кўр. Хоҳласанг, прапоршчиклар тайёрлайдиган мактабга, ёки ҳарбий билим юртига йўлланма берайлик. Сендан яхши ҳарбий кадр чиқишига шубҳам йўқ», — деди.

Ушанда Рўзмат «албатта ўйлаб кўраман», дейишга дедику-я, бироқ уйидагилар билан маслаҳатлашмасдан, аниқ бир жавоб айтмаслигини ўзи жуда яхши биларди. Хизмат муддати тугаб, Москвадан уйига қайтиб келгач, у дилидаги орзусини айтди. Табиийки, ота-онага фарзандининг ўзидан олисда юриши унча хуш келмади. Лекин ёш йигит қалбида бир умрга армон қолдиришни ҳам истамади.

Рўзмат Машарипов шу тариқа оқ фотиҳа олиб йўлга чиққанида, 1978 йил эди. У прапоршчиклар тайёрлов мактабини муваффақиятли тамомлагач, мустақил хизматини ҳарбий бўлинмада бошлади. Илк кунларданоқ меҳнатсеварлик, ишбилармонлик намуналарини кўрсатди. Эпчиллик, билимдонлик ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён этди. Чеклангган қўшин таркибида Афғонистонга боришни айтишганда: Буйруқ — мен учун қонун», — деди.

Афғонистонга йўл олганлар орасида катта прапоршчик Абдураҳим Мусаев, оддий аскарлар — Сергей Буличев, Иззатилла Мўминов ва бошқа кўплаб ўзбекистонлик йигитлар бор эди. Улар жасорати-ю, матонатини Рўзмат яхши эслайди. Қизил Арвотлик оддий аскар Непес Курбоновнинг қаҳрамонларча курашиб, мардларча ҳалоқ бўлгани ҳанузгача кўз олдида.

Жасур ўзбек ўғлони афғон тупроғида кечган икки ярим йил мобайнида бир неча бор ажал чангалига тушди, бахтли тасодифлар туфайлигина омон қолди. Жароҳатлари унчалик оғир бўлмаганлиги учун тезда даволаниб, яна сафдошлари қаторига қайтди. Хизматлари муносиб тақдирланиб, кўкрагини «Жасорати учун», «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа медаллар безади.

Жанг кўрган командир ҳозирда таъмирловчилар взводи жамоасига йўлбошчилик қилмоқда. Унинг ширинсуҳанлиги, камтарин ва тажрибалилигидан командирлари ҳам, қўл остидагилар ҳам жуда мамнун. У талабчан бўлиш билан бирга, ҳеч биров дилини оғритмайди. Шу боис нафақат сержанту солдатлар, умр йўлдоши Матлубахон ҳам уни жуда ҳурмат қилишади. Ўғли Фарруҳ билан қизчаси Гулруҳларнинг оталарини қанчалик севиб ардоқлашларининг эса чеки йўқ.

— Катта прапоршчик Машариповдай ҳарбийларни ҳеч иккиланмай, бўлинмамиз фахри, деса арзийди, — деди командирнинг техника ишлари бўйича ўринбосари катта офицер Б. Ниёзалиев. — У жисмонан чиниққан, ижтимоий-сиёсий тафаккури етук, ўз касбини тўлақонли биладиган, қўл остидагилар қалбини яхши тушунадиган мураббий-командир...

Юқорида «Ўз касбини дилдан севиб, уни эъзозлаган киши албатта камол топади», деган иборани қўллагандик. Буни катта прапоршчик тимсолида ҳам кўриб турибмиз. Р. Машарипов взводи шахсий таркиби нафақат техник, балки бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Уларнинг баҳорги синовларда ҳам пешқадам жамоалар қаторидан ўрин олишларига шубҳа йўқ.

Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: **катта прапоршчик Рўзмат Машарипов тошкентлик ва андижонлик оддий аскарлар — Алексей Митрофанов ҳамда Қобилжон Холиқовлар билан.**

В. ЛЕШЧЕНКО суратн.

● ПРАПОРЩИКИ В БОЕВОМ СТРОЮ

„Детище“ прапорщика Абдуллина

Командирский УАЗик километр за километром все дальше увозил нас от места постоянной дислокации. Убегала из-под колес серая полоса асфальтового полотна. За окнами, насколько мог охватить взгляд, распростерлись бескрайние просторы, далеко на горизонте окаймленные грядой гор, вершины которых были едва различимы в седой дымке облаков. Однообразный пейзаж утомлял, отчего оживленный поначалу разговор постепенно терял свой накал, а вскоре и вовсе прекратился. Каждый думал о чем-то своем.

Но вот машина свернула на полевую дорогу. Ее подбрасывало на ухабах, трясло словно в лихорадке, когда проезжали участки, по которым совсем недавно прошли боевые машины, оставив глубокие следы от гусениц. Сидевший рядом с водителем заместитель командира части, указывая вдаль рукой, произнес:

— Вон там начинается хозяйство старшего прапорщика Абдуллина.

Однако до тех пор, пока не замелькали впереди строения, издали похожие на небольшие домики, трудно было определить, что же это за «хозяйство» и где его границы. Только когда подъехали поближе, стало понятно, что прибыли мы на войсковое стрельбище.

Первое, что бросилось в глаза, когда вышли из машины, — царящие повсюду чистота и порядок. Дорожки, ведущие от центральной вышки и соединяющие между собой огневые городки, были тщательно подметены, места, откуда операторы управляли мишенной обстановкой, аккуратно выбелены и выкрашены. Одним словом, во всем чувствовалась хозяйская рука.

— Мы не ошиблись в своем выборе, назначив на эту ответственную, хлопотную должность старшего прапорщика Хорматуллу Абдуллина, — не без ноток гордости в голосе рассказывал офицер штаба. — Благодаря его стараниям, трудолюбию, высокому чувству ответственности за порученное дело войсковое стрельбище заметно преобразилось. И не только внешне. Впрочем, сами сможете сейчас в том убедиться.

Мы поднялись на вышку руководства, откуда как на ладони были видны и директриса боевых машин, и направления для стрельбы из гранатомета, автомата, пулемета. На каждом из них шла напряженная учеба, в ходе которой воины учились меткому ведению огня как по появляющимся, так и по движущимся целям.

— Обратите внимание, — продолжал свой рассказ заместитель командира, — занятия проводятся без малейшей заминки. В этом заслуга не только командиров подразделений, сумевших правильно организовать учебный процесс. Большое спасибо нужно сказать за это старшему прапорщику Абдуллину. Ведь еще совсем недавно...

Наш разговор прервал телефонный звонок, после которого мой собеседник, извинившись, в срочном порядке убыл обратно в часть. Узнать, что же было здесь еще совсем недавно, мне посчастливилось, как говорится, с первых уст. В тот день, не дожидаясь окончания отпуска, Хорматулла Хотматуллаевич вышел на службу и сразу же прибыл на полигон.

— Здесь и дышится совсем по-другому, да и простора побольше, чем в квартире, — в шутливом тоне объяснил Абдуллин причину преждевременного выхода. — Ну а если серьезно, неспокойно было на душе все эти дни. Понимал, скоро проверка, многие пытаются наверстать упущенное, так что стрельбы практически не прекращаются ни днем, ни ночью, а это требует особого контроля за мишенями, подъемными механизмами, сотнями метров кабеля. И хотя помощники у меня надежные, но тем не менее обидно бывает, если что-то выйдет из строя, ведь с таким трудом все это давалось.

Действительно, положение дел, когда старший прапорщик Абдуллин принимал полигонное хозяйство, оставляло желать лучшего. Свидетельством тому тот факт, что даже у него, человека, повидавшего на своем веку немало, и то на первых порах опускались от увиденного руки. На некоторых вышках не работали табло обратной информации, из-за чего осложнялась оценка результатов стреляющих, приспособления для выполнения стрельбы ночью и многое другое. Но не привыкший отступать перед трудностями Хорматулла Хотматуллаевич принялся наводить порядок.

Составил график выполнения первоочередных задач, за каждым подчиненным закрепил определенный участок работы. Так, шаг за шагом, были отремонтированы и приведены в действие движки подъемных приспособлений, заменены мишени, электропроводка. А совсем недавно введен в строй и пульт управления подвижных целей, над разработкой и установкой которого трудились сам Абдуллин и рядовой К. Жаббаров, которого старший прапорщик считает своей правой рукой. Обладая хорошими знаниями в области электричества, связи, радио, воин прилагает все усилия, чтобы оборудование полигона функционировало безотказно.

Дорожит своим «детищем» старший прапорщик Абдуллин, гордится тем, что внес и свою лепту в общее дело — повышение боевой выучки подразделений.

Лейтенант К. ШИРИНБЕКОВ,
нештатный корр. «Ватанпарвара».

ТРУД ОКУПИЛСЯ СТОРИЦЕЮ

Где-то по соседству полигон наполняли всплески автоматных очередей, разрывы гранат. Там шел бой, там было жарко. Здесь же не посвистывали, уносясь к цели, пули, не падали мишени. Но и тут струился по солдатским лицам пот и некогда было присесть, отдохнуть. На танкодроме ходуном ходила земля, и пыль зависла над ней.

Контрольно - проверочное занятие по вождению БМП было в разгаре. Одним из тех, кто с волнением наблюдал за действиями воинов, словно энергией своего желания хотел на расстоянии вселить в каждого своего подчиненного достаточно сил для отличного выполнения норматива, был прапорщик Т. Джураев.

Переживания техника подразделения понятны. Ведь профессиональное мастерство каждого механика-водителя — это и его труд. Пока все шло хорошо. Значит, не напрасно затрачены силы в зимнем периоде обучения, значит, не зря в снег и в дождь выводил он людей в поле и обучал искусству мастерского вождения бронированной машины.

Контролер перед колейным мостом сообщил, что боевая машина с бортовым номером двадцать один прошла через него успешно. На душе у прапорщика Джураева сразу стало спокойнее. «Сумел все-таки преодолеть себя рядовой Тишаев. Молодец!» — радовался за подчиненного Тахир. Это была еще одна моральная победа опытного наставника. Ведь было время, когда начинающий механик-водитель никак не мог совладать с этим препятствием. Страх перед тем, что гусеницы не совпадут с узкими колеями, вынуждал его объезжать этот участок. Подобное повторялось не однажды. Казалось, воин смирился с мыслью о том, что ему никогда не удастся преодолеть этот психологический барьер. Иной точки зрения придерживался техник роты. Сначала он научил рядового Тишаева ориентироваться по колышкам с внутренней стороны колеи, затем по положению педали подачи топлива относительно указок, а уж потом — по корпусу машины и ограниченному числу фишек. Труд прапорщика Джураева окупился сторицею. Механик-водитель сегодня сумел без ошибок преодолеть не только колейный мост, но и все остальные препятствия, за что и получил отличную оценку.

Не подвели своего наставника и другие воины. Рядовые Р. Ходжаев, А. Терехов, Т. Рахманов также получили наивысший балл.

Лейтенант Р. ТУРДЫЕВ.

ФАОЛ КОМАНДИР

Рота старшинаси прапоршчик Р. Омонов ҳақида бўлинма офицерлари ва солдатларидан кўплаб миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин. Илғор прапоршчик хизматларининг таҳсинга лойиқлиги ҳақида штаб бошлиғи лейтенант И. Йўлдошев, жумладан, шундай деди:

— Ўз ишини пухта билган, талабчан, ғамхўр, сафдошлари ҳурматини қозониб келаётган рота старшинаси Р. Омонов тўғрисида ҳар қанча яхши фикрлар билдирсанг ҳам оз. Беш йилдан бери Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаётган прапоршчик қўл остидаги шахсий таркиб намунали ҳисобланади. Жанговар техника ва қурол-аслаҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришда ва кўплаб анъана тусига кирган қизиқарли спорт мусобақаларида илғорликни қўлдан бермай келмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай тадбирларни ўтказишда Р. Омонов йўл-йўриқ кўрсатиш билангина кифояланиб қолмай, ўзи ҳам фаол иштирок этади. Бир сўз билан айтганда, у рота шарафи учун вақтини ҳам, куч-қувватини ҳам аямай шахсий таркиб билан бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилади.

Лейтенант А. АБДУРАҲМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ВЕСТИ С КОНТРОЛЬНЫХ ЗАНЯТИЙ

КОНСПЕКТЫ ДОБРОТНЫЕ, ЗНАНИЯ ОТЛИЧНЫЕ

В группе общественно-политической подготовки прапорщиков, где руководителем офицер Г. Джумаев, в течение зимнего периода к учебе относились добросовестно. Это показало и контрольное занятие.

Старший прапорщик В. Белов и младший сержант сверхсрочной службы В. Рахмонов показали отличное знание истории развития Узбекистана, основных этапов его развития и становления. Слушатели группы хорошо ориентируются в современной общественно-политической обстановке, глубоко изучили последние работы Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова об экономических и политических реформах в государстве.

А помогли им в этом полные и тщательно отработанные конспекты всех пройденных в течение учебного периода тем. Благодаря подробным записям прапорщик В. Сафронов, сержант сверхсрочной службы К. Усманов успешно ответили на вопросы проверяющего.

Постоянная и целенаправленная работа в течение всего учебного периода, добросовестное отношение к ведению конспектов и изучению руководящих документов позволили этой группе уверенно получить оценку «хорошо».

Капитан Ю. САБИРОВ.

ПРИВЫЧКЕ НЕ ИЗМЕНЯЕТ

Привычке, которую выработал в себе прапорщик Е. Розентов за долгие годы службы в армии, не изменит он, наверное, и когда уйдет на заслуженный отдых. Поднявшись ни свет ни заря, он, не дожидаясь общественного транспорта, пешком отправляется к месту службы. Для него это не просто утренняя прогулка. За эти несколько десятков минут он наметит себе план работы на предстоящий день, проанализирует ушедший.

Переступив порог училища, в котором он является старшиной подразделения, Ефим Яковлевич не торопится сразу же зайти в казарму, где наслаждаются последними минутами сна курсанты. Тщательно проверит порядок на закрепленной за ротой территории, хотя наперед знает, что в любое время суток он поддерживается на должном уровне. Узнает у дежурного по училищу, не случилось ли что за ночь, и только после этого направится в сторону казарменного помещения, у входа в которое его, как обычно, встретит дежурный по подразделению.

Казалось бы, что нового может почерпнуть для себя Ефим Яковлевич, каждый день тщательно наблюдая, например, за тем, как младшие командиры проводят утренний осмотр? Ведь существует утвержденная схема, по которой и должны они работать. Оказывается, для старшины важна не столько техническая сторона вопроса, сколько сложившиеся отношения между сержантами и их подчиненными, которые особенно ярко проявляются именно в такие моменты.

Прапорщик Ефим Розентов стремится воспитать будущих офицеров добрыми, отзывчивыми, умеющими уважать мнение других.

На снимке: **старшина роты прапорщик Ефим Розентов.**

Капитан Я. КОРУКА.
Фото А. МАНТРОВА.

● СЕНИНГ ҮҒЛОНЛАРИНГ. ЎЗБЕКИСТОН!

Бадахшонлик старшина

Офицер Шокир Жўраев командирлик қилаётган қисм шахсий таркиби баҳорги синовни пухта тайёргарлик билан кутиб олдилар. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий ўқув машғулотларида зўр уюшқоқлик билан қатнашиб, аъло ва яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Офицеру прапоршчиклар, сержанту оддий аскарлар мавсумий ўқув даврида юксак жанговарлик маҳоратларини мукаммал эгаллаганликларини шараф билан оқлаш ниятидалар. Жумладан, лейтенант Ж. Еқубов командирлик қилаётган рота аҳил жамоаси ҳар бир машғулотларда кўнгилдагидек натижа кўрсатишга бел боғлаган.

— Техник машғулотларга пухта тайёргарлик кўришда катта технигимиз старшина Абдурафи Бутаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим, — деди рота командири Жаҳонгир Еқубов суҳбат чоғида. — Етук маламали техникларга талаб ана-да ортган бир шароитда ўз қўл остимда Абдурафидек мутахассис хизмат қилаётганидан, албатта, мамнунман. Старшинани кўришим билан енгил тортаман. Абдурафи ўз вазифасини мукаммал эгаллаган ва виждонан бажарадиган ҳарбийлардан.

Мен ҳеч қачон унинг олдига тез-тез бориб, бутун вужуди билан машғул бўлаётган ишига аралашавермайман. Бунинг ҳожати йўқ. Айнан баҳорги синов машғулотларининг илк натижалари ҳам катта технигимиз А. Бутаевнинг масъулият билан олиб борган меҳнатлари маҳсули бўлди. Абдурафининг техник ўгитларидан сабоқ олаётган солдатларимиз ҳарбий техникани бошқариш ва ундан фойдаланиш, таъмирлаш малакаларини кун сайин ўстириб бораяптилар.

Чунончи, ёш ҳайдовчилар — Б. Бўронов ва У. Рўзиевлар каби оддий аскарлар ҳарбий ҳайдовчилик касби сирларини қисқа вақт ичида қониқарли ўзлаштириб олдилар.

Абдурафи солдатлар қобилияти ва уларнинг тартиб-интизоми ҳақида офицер командирлардан кам билмайди. Ҳарбий ҳайдовчиларга касб маҳоратларини ўргатар экан, солдатлардан ҳамиша интизомли бўлиши, ҳарбий Низом қоидаларига қатъий риоя этишларини талаб этади. Интизомсиз ҳайдовчининг жанговар ҳарбий техникани бошқариши — маст одамнинг дорга чиқишидай хавфли эканлигини уқтиради. Маст ўз умрига завол бўлса, интизомсиз ҳайдовчи экипаж аъзоларининг ҳам ҳаётини хавф остида қолдириши мумкинлигини ва бу жиноят эканлигини ҳар бир солдат онгига сингдиришдан толмайди.

Шу билан бирга, моҳир техник ҳар бир ҳайдовчига биркитилган ҳарбий техника созлиги қандай ҳолатда эканлигини кўз юмиб айтиб бера олади. Бу муболаға эмас — ҳақиқат! Зеро, ҳар бир бўлинма техники вазифасида хизмат қилаётган прапоршчик ёки старшина ана шундай малакага эга бўлмоги шарт. Баҳорги синов натижаларида қўлга киритилаётган умуммуваффақиятларнинг бош негизи ҳам ана шундадир.

Абдурафи техника ҳолатини билибгина қолмасдан, унга хизмат кўрсатиш жараёнини ҳам доимо назорат қилиб боришни унутмайди. Солдатлар қийналган жойда зудлик билан ёрдам кўрсатади. Кейинги сафар маълум бир камчиликка йўл қўйилмаслик омилларига эътибор қаратади.

...Тўқсон биринчи йил. Тожикистоннинг тўзал Бадахшонидан ҳарбий хизматга чақирилган Абдурафи Термиз гарнизони бўлинмасида солдатлик бурчини бажаришга катта масъулият билан ёндашди. Унинг тартиб-интизомлилиги, жисмонан бақувватлиги ҳамда техникага бўлган беқиёс иштиёқи тез орада офицер командирларга беш қўлдек аён бўлди. Сафдошлар орасида ҳурмат қозонган Абдурафи офицер ва прапоршчиклар эътиборини ҳам ўзига торта билди.

Икки йиллик хизмат ниҳоясига етай, деб қолган, Абдурафининг эса қадрдон бўлинмасини ташлаб кетгиси йўқ эди. Ҳарбий техникаларга шундай меҳр боғлаган эдики, ularсиз ўз ҳаётини тасаввур қила олмасди. Ўтирса ўтиргиси, ётса-ётгиси келмай қолди. Кўнглидаги бор гапни командирга айтишга қарор қилди...

— Ҳаётда ўз ўрнимни топганлигимдан, бунда менга қўл чўзган офицер ва прапоршчик командирларимдан беҳад мамнунман, — деди старшина А. Бутаев суҳбат чоғида. — Туғилиб ўсган Бадахшоним — Тожикистонда, Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик ва осойишталик бўлишини истайман.

Абдурафи асли кам гап. У сўз билан эмас, амалий иш билан жавоб беришга одатланган. Нанки, синов машғулотларида, балки ҳар сафарги назарий ёки амалий ўқув соатларидан унумли фойдаланиб, ҳарбий техниклар савиясини имкон даражада ўстиришга интилади.

Старшина А. Бутаев ҳамиша аниқ мақсад билан яшайдиган кишилардан. У энг замонавий ҳарбий техникалар сирларини яна-да пухта ўзлаштириб олиш учун ўз билимини кенгайтириш, тажриба орттириш ниятида, Олий ҳарбий билим юртида малака ошириб, сабоқ олишни кўзлаган. Юрагі ўтли мард ўғлонга хизматларида янги ютуқлар, мақсад рўёби, омад тилаб қоламиз.

Лейтенант Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: **старшина Абдурафи Бутаев сержант Фазлиддин Рустамовга техникани мукаммал таъмирлаш сирларидан сабоқ бермоқда.**

В. ЛЕШЧЕНКО суратга олган.

● ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Иш билан хоналарига кирдиму, одатдагидек «Рустам ака...» деганимча тўхтаб қолдим. У ҳар галгидек суҳбатга тортадиган кайфиятдан ҳоли, ўйчан ва гамгин эди, «Тинчликми, бетобмасмисиз?» деган саволимга «тинчлигу...» деб жавоб қилди ва «ўқинг» маъносида стол устидаги бир варақ қоғозни мен томон суриб қўйди. Қоғозга кўз югуртирдим. Хат экан. 2-даражали Кутузов орденли 27-гвардиячи ракетачилар миномёт бригадаси фахрийлари кенгаши йўллаган бу номадан Рустам аканинг чеҳрасига тушган соянинг сабабини англагандай бўлдим.

«Жуда кам қолаяпмиз, — дейилган эди «Рустам» деб бошланадиган бу хатда. — Сўнгги учрашувда жанговар бригадамиз фахрийларидан 37 киши йиғилган эдик. Командиримиз С. И. Запорожчук ва хотини вафот этган. Дивизион командири Батов оғир аҳволда тўшакда ётибди. Яқинда П. Засядко, М. Толстакларни «кузатган» эдик. Уларга А. Бетухов, Б. Грубовлар қўшилди... Ҳали охирига етказа олмаган ишларимиз жуда кўп, шошилмасак бўлмайди. Соғ бўл! Онла аъзоларингга таъзиминимизни етказ.

Қуролдошларинг».

...Энди 10 ёшга тўлган Рустам отасидан, сўнг онажонисининг иссиқ, ҳаловатли ва жонкуяр бағридан жудо бўлди. Бирмунча вақт қариндош-уруғлари эшигидан кириб-чиқиб юрди. Сўнг интернат-етимхонадан паноҳ топди.

— Узоқ вақтгача кўника олмай юрдим, — деб хотирлайди у. — Дадам бўйнига миндириб ўйнатади, белбоғи қатидан майиз, туршак беради. Баъзан қовун сўйиб едиради. Ойим менга қараб тўймайдилар, бағирларига босгани-босган. Қувониб кетаман. Тўлиб-тошиб қуламан. Уйғонганимда эса... Ҳанузгача уларнинг сиймолари ҳаёлимда муҳрланиб қолган...

Бирдан-бир дардлашадигани акаси — Истам сартарошга шогирдлик қиларди. Уни ҳам армия хизматига чақириб қолишди. Мушаклари энди қувватга кира бошлаган Рустамга ягона суянчиғи—акасидан ажралиб қолиш оғир эди. У ўз кучини чамалаб кўриб, «мен ҳам ҳарбийлар сафида бўлишим керак», деган қатъий фикрга келди. Қўнгилли бўлиб навкарликка ёзилди. Ёши етмаслигига қарамасдан, солдатлик формасини кийишга эришди. 1940 йилда Брест қалъаси гарнизонида хизмат қила бошлади.

Нуроталик аёл қўлида тикилган, кийилавериб титилиб кетган пахтали чопонини солдат шинелига алмаштирган Рустам ҳали олдинда бўладиган қирғинбарот йилларини тасаввур ҳам қила олмасди. Фашист газандалари хиёнаткорона босқинларини бошлаган саҳар унинг Слуцк шаҳридаги 55-дивизиянинг 228-ўқчи полкида оддий аскар бўлиб хизмат қилаётган пайтига тўғри келди.

— Акам Истамни сўнгги бор урушнинг биринчи кунидаги жанг олдидан кўргандим, — хотирлайди Рустам ака. — Ҳатто ҳоки қаердалигини... хуллас у биринчи қурбонлардан эди.

Уруш бошлангандан беш соат ўтгач, Рустам ака қатнашган қонли жанг 1942 йил август ойигача давом этди. Қардош Белоруссиянинг Картус-Березовский, Берёзина, Пропайск шаҳарлари учун кечган даҳшатли жанглар, чекинишлар ва ҳужумлар Рустам аканинг ён-верида бўлган кўплаб сафдошларини бевақт ҳаётдан кўз юмдирди. Командирлари сони ҳам камайиб бораверди. Натижада тезкорлик билан жанговар командирлар тайёрлаш эҳтиёжи туғилди. Бир қанча жангчилар махсус курсларга юборила бошлади. Шу чек тушган Рустам ака 1942 йил август ойида Челябинск вилоятининг Миасс шаҳрига кўчиб ўтган 1-Москва гвардиячи миномёт-артиллерия билим юртига ўқишга жўнади. 1943 йилнинг декабрида билим юртини тамомлаган ёш офицер 2-Украина фронти нҳтиёрига юборилди.

Бу ерда унга олд позицияда жанг олиб бораётган 27-гвардиячи миномётчилар бригадасининг ўқчи взводи ишониб топширилди. Оддий ўзбек деҳқонининг ўғли шавқатли қуришда мисли-сиз ботирлик кўрсатиб, гитлерчи жаллодларга бировнинг Ватанини оёқ ости қилиш оқибати оғир бўлишини намойиш қилди. Аввал Россия, Украина, Белоруссия тупроғини, сўнг Руминия, Польша, Чехословакия замининн босқинчилардан тозалашга ҳисса қўшди ва фашистларни ўз уясигача қувиб борди.

«Зафар гулдастаси»дан ўрин олган Корсун-Шевченко, Ясси—Кишинёв, Ясло—Горлицк операцияларида Рустам ака Муҳамедов бошқарган взвод қўмондонликнинг фахрига айланди. Ўзбек жангчиси Қизил Юлдуз, Ватан уруши орденлари ва ўнлаб медаллар билан тақдирланди. Уруш барҳам топгач ҳам, жанговар сафда яна уч йил хизмат қилди.

Рустам ака Муҳамедов 1948 йили Тошкентга қайтди ва ҳуқуқшунослик мактабига ўқишга кирди. Икки йилдан сўнг Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрига прокурор ёрдамчиси вазифасига ишга йўлланма олди, яна икки йил ўтмасдан Шеробод туманига прокурор қилиб тайинланди. Оқни қорадан, ҳалолликни нопокликдан ажратиш, заифларни зўравонлардан, меҳнаткашни ўғридан ҳимоя қилиш, фуқарони адолат кучи билан дардига малҳам бўлиш унинг ҳаёт мақсадига айланди. Бу ишда фақат матонат, ҳалоллик ва жонкуярлик камлик қиларди. Чуқур юридик билим талаб қилинарди. Рустам ака Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқиб, олий маълумот олди.

Уруш талафотлари чуқур из қолдирган мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида қонунчиликка дарз етар, булар адолатли ечимини кутарди. Республика прокуратураси Қорақалпоғистондаги аҳволни эътиборга олиб, Рустам акага «маслаҳат» солди ва 1955 йилда у ерга умумий назорат ишларини бошқариш учун жўнатди. Уч йил ўтмасдан Тўрткўл ва Беруний районларо прокурор этиб тайинланди. Сал ўтмай, ўзлигини намоён қила билган адолат посбонига Республика прокурори вазифаси ишониб топширилди.

Рустам ака халқ мулкини «туя» қиладиганларга шавқат қилмади. Тўрткўл тумани партия қўмитасининг биринчи котиби Я. Абдалов, Кегели тумани биринчи котиби Давлатмуродов, жумҳурият пахта трести бошқарувчиси Харченко ва бошқа казо-казолар бошчилигидаги жиноий гуруҳларни аёвсиз фош қилиб ташлади. Булар Рустам ака учун осон кечган эмас, албатта.

1963 йилнинг октябрь ойида мамлакат бош прокурори Р. Руденко Рустам акани ҳамроҳ қилиб Вьетнамга йўл олди. Тараққиёт йўлида турган бу давлат жуда кўп маслаҳат, амалий ёрдам ва тажриба алмашишга муҳтож эди. Ханой шаҳрида мамлакат Президенти Хо-Ши-Мин уларни қабул қилди...

Орадан икки йил ўтиб, адлия катта маслаҳатчиси Р. Муҳамедов Хоразм вилояти прокурори этиб тайинланди. 1967 йилда унга «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1968 йилда 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси — адлия генерали унвони берилди. Рустам ака роппа-роса ўн йил мазкур вилоят прокуратурасини бошқарди, бир қанча медаль ва ёрлиқлар билан тақдирланди, депутат сифатида ҳам эл хизматида бўлди. 1975 йилда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси аппаратига бўлим бошлиғи этиб тайинланди. Бу ишни у 1993 йилгача шараф билан бажариб келди.

Тиниб-тинчимас инсон 1972 йилда сиртқи аспирантурани битирди. Уни кўпроқ ўйлантирадиган масала — эрта ота-она меҳридан маҳрум бўлганлардан ташқари, тирик етимлар муаммоси эди. Оилавий муносабатлар, қонунлардаги номукаммалликлар, бўлар-бўлмасга оилалар синаётганлиги оқибатида тўкилаётган кўз ёшлар, мўлтираб турган гамгин болалар ўйлантирарди, уни.

Рустам ака ушбу муаммо устида ишлай бошлади. Оналанинг тарихий илдизига алоқадор ҳужжатларни чиқиришдан ўтказди. Мақолалар, рисолалар тайёрлаб, халққа ҳавола қилди. Ва ниҳоят, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди диссертациясини муваффақият билан ёқлади.

Рустам аканинг ҳаёт ва меҳнат тарзидан андоза олганлар бугунги кунда жумҳуриятимизнинг турли тармоқ ва погоналарида кўплаб топилади.

70 баҳорни қаршилаган, ҳаёт мазмунини адолат учун курашда деб билган, ҳозирда қонунчилик муаммолари ва прокурор кадрлари малакасини ошириш даргоҳида изланишни давом эттираётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, прокуратуранинг фахрий ходими жангчи офицер, олим ва мураббий, Рустам ака Муҳамедовнинг ибратли ҳаёт йўли ана шундай.

Ф. ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адлия катта маслаҳатчиси.

● ПРИЗЫВ-94

ДОЛГ ГРАЖДАНИНА И ПОТРЕБНОСТЬ ДУШИ

«Мне скоро в армию, и потому очень хотелось бы прочитать в вашей газете что-то обстоятельное о молодом солдате. Как ему служится? С какими трудностями он встретился? И дает ли ему что-нибудь армия?

Камил Шакуров, ученик 11 класса».

